


Йилнинг энг яхши фикҳ ўқитувчиси



15:20 / 26.04.2019 2681

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида 2019 йил 25 апрель куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларининг педагог-ўқитувчилари ўртасида **“Йилнинг энг яхши фикҳ ўқитувчиси”** танловининг республика [босқичи бўлиб ўтди.](#)

Бу танлов Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда олиб борилади.

Фикҳ илми илмлар ичида фазл ва шарафга эга илмдир. Аллоҳ таоло “Тавба” сурасининг 122-оятда фикҳ илмини ўрганишга чақиради:

“Мўъминлар ёппасига (жангга) чиқишлари шарт эмас. Ҳар бир фирқадан бир тоифаси динда фақиҳ бўлиш учун қолсаларчи? Қавмлари уларга қайтганларида уларни огоҳлантирардилар, шоядки эҳтиёт бўлсалар”.

Мазкур оятда мусулмонлар жангга чақирилиб турилган бир даврда бир тоифа кишилар жангдан қолиб фикҳ ўрганмайдиларми? – деб фикҳнинг фазилати ва шарафи жангдан ҳам юқори эканлиги айтилмоқда. Демак, ҳар бир қавмдан бир гуруҳ кишилар сафарбарликдан қолиб бўлса-да, динни

чуқур ўрганишга, унда фақиҳ бўлишга ҳаракат қилишлари лозимлиги ушбу оятда таъкидланмоқда. Шу маънода ҳадиси шарифда ворид бўлади:

“Олимларнинг сиёҳи шаҳидларнинг қони билан ўлчанади ва олимларнинг сиёҳи оғир келади. Ваҳоланки, олимларнинг сиёҳи ишларидаги мартабанинг энг пасти ва шаҳидларнинг қони ўз аҳволларининг энг юқорисидир”.

Фиқҳ илмининг бошқа илмлардан афзаллиги тўғрисида ҳадиси шарифлар жуда кўп. Жумладан:

“Аллоҳ таоло кимга яхшилиқни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди”.

Бошқа бир ҳадиси шарифда:

“Бир фақиҳ киши шайтонга мингта обиддан кўра қаттиқроқдир”.

Ҳанафий мазҳабимизда кечаси туриб ибодат қилишдан кўра, китобларга назар солмоқ, илм таҳсил қилмоқ афзал ҳисобланади.

Мазҳаббошимиз имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ шундай деганлар:

“Ҳар бир илм билан шуғулланиб кўрдим. Бирорта илмни фиқҳдан кўра фойдалироқ топмадим. Фиқҳ билан қанча кўп шуғуллансам, шунча дақиқ маъноларни кашф этдим”.

Танлов юқори савияда ташкиллаштирилди.

Танловда қуйидаги иштирокчилар қатнашдилар:

- Жўрабоев Хабибулло Абдиғопорович (Тошкент ислом институти)
- Хамрокулов Исмаилджон Ибрахимович (Мир Араб олий мадрасаси)
- Холмўминов Жалолиддин Юсупалиевич (Кўкалдош ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси)
- Якупов Ахмет Айтмуратович (Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ўрта махсус ислом билим юрти)
- Мардонов Хайрулло Маҳмудович (Хожа Бухорий номидаги ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси)
- Мелибоев Абдугулом Абдулахатович (Саййид Муҳйиддин Махдум ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси)
- Ғаниев Акмалжон Адҳамжон ўғли (Мир Араб ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси)
- Ишанов Исмоил Одирович (“Ҳидоя” ўрта махсус ислом билим юртидан)

- Исоқов Бахромжон (Фахриддин ар-Розий Ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси)
- Қурбонова Инобат Қудратиллоевна (Жўйбори Калом Ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси)
- Ибрагимова Сурайё Муратовна (Хадичаи Кубро ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси)

Танловни ўтказишдан мақсад - педагог-ўқитувчиларнинг мутахассисликлари бўйича билим савияси ва кўникмаларини янада ривожлантириш, касбий маҳоратини ошириш ҳамда фаолияти бўйича замонавий услублари ва тажрибасини оммалаштириш, таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш, фан ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириб бориш, таълим-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш, педагог-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб қилиш, диний таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, педагог-ўқитувчиларнинг тажриба алмашишини йўлга қўйиш кабилардан иборат.

Иштирокчиларнинг чиқишларини баҳолаб бориш ҳакамлар ҳайъат томонидан олиб борилди. Ҳакамлар ҳайъати таркиби қуйидагича:

- Шайх Абдулазиз Мансур. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари (ҳайъат раиси)
 - М.Ҳомидов. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Котибоят бўлими мудирини (ҳайъат раиси ўринбосари)
3. У.Ғафуров. Тошкент ислом институти ректори (аъзо)
 4. С.Примов. Тошкент ислом институти “Ақоид ва фикҳий фанлар” кафедраси мудирини (аъзо)
 5. Я.Раззақов. Тошкент ислом институти “Ақоид ва фикҳий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси (аъзо)
 6. Ф.Маманосиров. Тошкент ислом институти “Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси катта ўқитувчиси (аъзо)
 7. Э.Алимқулов. Дин ишлари бўйича кўмита Диний-маърифий таълим муассасалари билан ишлаш бўлими ходими (Кузатувчи)
 8. С.Шерхонов. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлими мудирини (Кузатувчи)

Танлов 4 шартдан иборат бўлиб, ҳар бир шарт ҳакамлар ҳайъати томонидан 25 баллик тизимда баҳолашиб борди.

Танлов шартлари:

1. Очиқ дарс ўтиб бериш. Очиқ дарс тасвирга олиниб, CD дискда ҳакамлар ҳайъатига олдиндан тақдим этилган.
2. Битта замонавий фикҳий масалага ечим топиш.
3. Ибодат ва муомалотга оид фикҳий саволларга тўлиқ далиллари билан жавоб бериш. Билетларда иккитадан савол бўлиб, биринчиси ибодат масаласи, иккинчиси муомалат масаласи ҳақида бўлиб, иштирокчилар берилган саволларга тўлиқ далиллари билан жавоб бериш. Агар бу борада уламолар ўртасида ихтилоф бўлса, уларни баён қилишлари керак.
4. Фақиҳлар ҳаёти ва ижоди, ҳанафий мазҳабидаги китоблар ва уларнинг даражаси ҳамда усулул фикҳ қоидаларига оид тезкор саволларга жавоб бериш.

Тадбир Қуръони карим тиловати билан бошланди. Тошкент ислом институти 4-курс талабаси Хаитбоев Муҳаммадали қори қироат қилгандан сўнг, Мир Араб олий мадрасаси устози Исмоилжон домла дуои хайр қилиб бердилар.

Тадбирни Тошкент ислом институти ректори Уйғун домла Ғафуров очиб бердилар. Сўнг Дин ишлари бўйича қўмита раиси биринчи ўринбосари М.Комилов сўзга чиқиб, иштирокчиларга омад тиладилар.

Иштирокчиларнинг чиқишлари қуръа ташлаш йўли билан аниқланди.

Мусобақа кўтаринки кайфиятда ва юқори савияда бўлиб ўтди. Ҳар бир шартда иштирокчилар ўзларининг чиқишлари билан ҳакамлар ҳайъати ва томошабинларнинг диққат марказида бўлдилар.

Мусобақа якунига кўра биринчи ўринни Тошкент ислом институти ўқитувчиси Ҳабибуллоҳ домла Жўрабоев билан қўлга киритди. Биринчи ўрин ғолиби энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида пул мукофоти, 1-даражали диплом, рангли телевизор ҳамда бир йил давомида ойлик иш ҳақиға 40% устама мукофотлари билан тақдирланди.

Иккинчи ўринни Мир Араб ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси Акмалхон домла Ғаниев қўлга киритди. Иккинчи ўринни олган иштирокчи 2-даражали диплом, микротўлқинли печь ҳамда бир йил давомида ойлик иш ҳақиға 30% устама мукофотлари билан тақдирланди.

Учинчи ўринни эса Кўкалдош ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси Жалолиддин домла Холмўминов қўлга киритди. Учинчи ўринни эгаллаган иштирокчи 3-даражали диплом, чангютгич ҳамда бир йил давомида ойлик иш ҳақига 20% устама мукофотлари билан тақдирланди.

Қолган иштирокчилар эса китоблар тўплами ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

Мусобақа якунида Тошкент ислом институти ректори У.Ғафуров, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Кадрлар тайёрлаш ва таълим бўлими мудир С.Шерхонов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Котибият бўлими бошлиғи М.Ҳомидов сўзга чиқиб, иштирокчиларга, ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди.







